



ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЧЎЛЛАРИ БИОЦЕНОЗЛАРИДА УЧРОВЧИ ЎРГИМЧАК ТУРЛАРИ ВАКИЛЛАРИ.

Бахромова Барно

Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10005825>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-October 2023 yil
Ma'qullandi: 08- October 2023 yil
Nashr qilindi: 16- October 2023 yil

KEY WORDS

Ўргимчаклар, доминант,
биогеография, чўл, эндемик

ABSTRACT

Мақолада Фарғона водийси чўллари биоценозларида тарқалган ўргимчаклар турлари ҳақида сўз боради. Тадқиқот нажижаларига кўра Фарғона водийси чўлларида туркумнинг 6 оилага мансуб 7 та тури яшаши мақолада ёритилган.

Маълум ҳудуд арахнофаунасини систематик жиҳатдан тарқалишини тадқиқ этиш, шу билан бирга ўргимчак турларнинг зоогеографик комплекларини илмий асосда баҳолаш минтақа ўргимчаклар фаунаси ҳақида тўлиқ тасаввур қилиш имконини беради [3, 4, 9]. Жумладан, Kumari V., Saini K.C., Singh N.P. [6] ларга кўра Ҳиндистон шимолий-шарқидаги Рожастон штатининг арид ва ярим арид ҳудудлари арахнофаунасини тўрт асосий учраш манзил: ўрмонзор, ботқоқлик, яйловлар ва тоғлик ҳудудлар кесимида ўрганиш минтақа арахногенез жараёни очиб беришда муҳим рол ўйнагани айтилади. Шунга мувофиқ, тадқиқот олиб борилган ҳудуд Фарғона водийси арахнофаунасини 3 та таснифга ажратилган ҳолда тадқиқ этилди: 1) Марказий Фарғона ўргимчаклари (чўл, чала чўл); 2) адирлик ўргимчаклари ва 3) тоғ ўргимчаклари. Бу ҳудудларда умумий ҳолда 20 оила 36 уруғга мансуб 44 та тур ўргимчак қайд этилди [2].

Фарғона водийси текисликлари чўлли, чала чўлли ҳудудида умумий аниқланган ўргимчакларнинг 15,9 фоизи учрайди. Намуналар Қўқон, Бағдод, Бувайда, Ёзёвон, Марғилон ҳудудларидан йиғиб олиниб, у ерларда туркумнинг 6 оилага мансуб 7 та тур яшаши аниқланди. Булар Agelenidae оиласига кирувчи *Pireneitega major*, Halonoproctidae оиласига кирувчи *Ummidia ferghanensis*, Dysderidae оиласи вакили *Dysdera zarudnyi*, Linyphiidae оиласига кирувчи *Gnathonarium dentatum*, Lycosidae оиласи вакиллари *Arctosa pardosina* ва *Pardosa zonsteini*, Salticidae оиласига мансуб *Heliophanus potanini* турларидир [1]. Ёзёвон қумли чўлларида Lycosidae оиласи вакили *Pardosa zonsteini* ҳамда Linyphiidae оиласига кирувчи *Gnathonarium dentatum* турлари доминантлик қилади.

Шуларни эътиборга олиш керакки, аниқланган ўргимчаклардан 5 та тур вакиллар Фарғона водийси ичида биоценозларга ажралмаган ҳолда жудаям кенг тарқалган бўлиб, уларни ажратиб олинган 3 ҳудуднинг умумий ҳаммасида учратиш мумкин. Буларга Filistatidae оиласига кирувчи *Zaitunia ferghanensis*, Sparassidae оиласи

вакили *Olios sericeus* Tetragnathidae оиласига мансуб *Metleucauge dentipalpis*, Theridiidae оиласи вакиллари бўлган *Heterotheridion nigrovariegatum*, *Steatoda paykulliana* турлари киради. Бу турлар орасида мимикрия ҳодисаси кенг тарқалган бўлиб [3, 7, 8], улардан бири сохта қорақурт номи билан аталувчи *Steatoda paykulliana* тури энг кўп тарқалган бўлиб, уни хатто текислик ҳудудидаги одамлар яшовчи жойлардаги хонадонларда ҳам учратилди.

Бунлардан ташқари, *Arctosa pardosina* Ўзбекистон эндемиги ҳисобланади. Бу тур водий ҳудудида учрашлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бахромова Б. Фарғона водийси арахнофаунасининг қиёсий ўрганилиши таҳлили. // Биологиянинг долзарб муаммолари Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Фарғона, (2018), 60-62.
2. Бахромова Б. Фарғона водийси арахнофаунасининг хилма-хиллиги. НамДУ илмий хабарномаси, 12, (2020), 70-75.
3. Омелько М.М. Эколого-фаунистический обзор пауков-волков (Aranei, Lycosidae) окрестностей морской биостанции «Заповедное» (Приморский край) // С.Ю. Стороженко (отв. ред.). Чтения памяти Алексея Ивановича Куренцова. Владивосток: Дальнаука, Вып.17. 2006. - С. 128-133.
4. Komnenov M. New data on spider fauna (Araneae) of Shar Mountain, NorthWestern Macedonia. // Macedonian Ecological Society, 13, (2016), 44-61.
5. Komnenov M., Pitta E., Zografou K., Chatzaki M. Discovering the still unexplored arachnofauna of the National Park of Dadia-Lefkimi-Soufli, NE Greece: a taxonomic review with description of new species. // Zootaxa, 4096 (1), (2016). 1-66.
6. Kumari V., Saini K.C., Singh N.P. Diversity and distribution of spider fauna in arid and semi-arid region of Rajasthan. // Journal of Biopesticides, 10 (1), (2017). 17-24.
7. Marusik Y.M. On Central Asian *Castianeira arnoldii* Charitonov, 1946 (Araneae, Corinnidae), earlier known from juvenile specimens. // Zootaxa, 2226, (2009), 66-68.
8. Marusik Y.M. Redescription of the holotype of *Larinia vara* Kauri, 1950 (Aranei: Araneidae) from South Africa, with establishing of a new combination. // Arthropoda Selecta, 26 (3), (2017), 245-247.
9. Trilikauskas L.A., Lyubechanskii I.I. Distribution of Spiders (Arachnida: Araneae) in the Zonal-Catena Matrix of the Central Kazakhstan Steppes. // Contemporary Problems of Ecology, 13, (2020), 484-494.